

## Жони намозда узилди



17:00 / 05.06.2022 3513

Авн ибн Заквон айтади: «Зурора ибн Авфо бизга бомдод намозини ўқиб берди. **«Эй бурканиб ётувчи»**ни ўқиб, *(Муддассир сураси, 1-оят)* **«Қачонки сурга пуфланса...»** оятига етганда йиқилиб, вафот этди. Ўшанда мен уни ҳовлисига кўтариб олиб борган эдим».

Ҳақиқатни яширмас эди

Ибн Авн айтади: «Ибн Ҳубайра бир кишини Ибн Сийриннинг олдига юборди. Уни олиб келишди. Ибн Ҳубайра: «Шаҳринг аҳли қай аҳволда?» деди. У: «У ерда очиқ-ойдин зулм бўляпти», деди. Ибн Сийриндан бирон нарса сўралса, ҳақиқатни яширишни ёмон кўрар эди».